

**«Кўқонспирт» акциядорлик жамияти акциядорларининг  
2014 йил якуни бўйича навбатдаги йиллик умумий ҳисобот йиғилиши  
Б А Ё Н Н О М А С И**

**Кўқон шаҳри**

**2015 йил 13 июнь**

**ҚАТ НАШДИЛ АР :**

- **Джафарова Зухра Насировна** – «Ўзспиртсаноат» акциядорлик компанияси хўжалик бўлими бошлиғи, «Кўқонспирт» АЖ Кузатув кенгаши раиси.

- **Юсупходжаев Асил Агзамович** – Ўзбекистон Республикаси Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси бош директорининг биринчи ўринбосари в.в.б. «Давлат активларини бошқариш маркази» томонидан 2015 йил 11 июндаги № 106-сонли ишончномага асосан «Кўқонспирт» АЖнинг 4 760 015 дона акциялар пакети, ёки 47% улуши бўйича овоз бериш ваколоти А.А. Юсупходжаевга берилган.

- **Садиров Тухтасин Ғайиббердиевич** - «Ўзспиртсаноат» АК молия-иқтисод бўлими бошлиғи, бош ҳисобчиси. «Ўзспиртсаноат» акциядорлик компанияси томонидан 2015 йил «28» апрель куни берилган №01/06-19-сонли ишончномага асосан «Ўзспиртсаноат» акциядорлик компанияси устав фондига тасарруф этиш ҳуқуқисиз берилган давлат улуши акцияларини 5 165 123 дона ёки Устав фондининг 51% акциялари бўйича овоз бериш масъулияти юклатилган.

- Бошқа акциядорлар;

- Жамият кузатув кенгаши аъзолари, Тафтиш комиссияси аъзолари, жамият коллегиял ижро органи аъзолари ва таклиф этилган меҳмонлар.

**Йиғилиш раиси:** **Джафарова Зухра Насировна** – «Кўқонспирт» АЖ кузатув кенгаши раиси.

**Йиғилиш котиби:** **Абдукаримова Мунираҳон Хасановна** – «Кўқонспирт» АЖ хўжалик бўлими бошлиғи.

Биринчи бўлиб «Кўқонспирт» АЖ кузатув кенгаши раиси З.Н.Джафарова бугунги умумий йиғилишда рўйхатдан ўтган акциядорлар ҳақида маълумот беришни сўраб, саноқ комиссияси раиси М.Пирматовага сўз берди. Ўз навбатида М.Пирматова «Кўқонспирт» акциядорлик жамиятининг жами овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акциялар сони 10 127 692 дона эканлиги, ундан 9 935 600 дона акция эгалари қатнашаётганлиги бу жамият устав жамғармасининг 98,1 фоизини ташкил этганлиги ва амалдаги қонунчиликка асосан умумий йиғилиш қворуми тўпланганлиги, йиғилиш ваколатли эканлигини айтиб ўтди.

Шундан сўнг йиғилишни олиб борувчи З.Ф.Акбаров йиғилишни бошлаш мумкинлигини, мажлисни тартибли олиб бориш учун йиғилиш ишчи аппаратини, яъни ишчи президиуми, йиғилиш раисини, котибиятни ва саноқ комиссиясини сайлаб олиниши зарурлигини айтиб, ишчи президиумга қўйидаги номзодларни таклиф этди:

**Йиғилиш Президиуми:**

1. **Джафарова Зухра Насировна** – «Ўзспиртсаноат» АК хўжалик бўлими бошлиғи, «Кўқонспирт» АЖ Кузатув кенгаши раиси;
2. **Юсупходжаев Асил Агзамович** – «Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийси» ДУК бош директорининг биринчи ўринбосари, «Кўқонспирт» АЖ Кузатув кенгаши аъзоси;

3. Самигов Хабибулла Абдуллаевич – “Қўқонспирт” АЖ бошқаруви раиси;
4. Маматкулов Шодиёр Абдувоҳидович – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг молия ва нарх бўлими бошлиғи ўринбосари, «Қўқонспирт» АЖ Кузатув кенгаши аъзоси.
5. Садиров Тухтасин Ғайиббердиевич – «Ўзспиртсаноат» АК молия иқтисод бўлими бошлиғи, компания бош ҳисобчиси.

Йиғилиш раиси этиб кузатув кенгаши раиси Джафарова Зухра Насировна номзоди тавсия қилинди ва очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан тасдиқланди.

Йиғилишда билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни қайд қилиш ва йиғилиш баёнини олиб бориш учун котибиятга жамиятнинг ишлаб чиқариш бўлими мутахассиси Абдукаримова Мунира Хасановна номзоди тавсия қилинди ва очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан тасдиқланди.

Йиғилишни олиб борувчи (бошловчи) «Қўқонспирт» АЖ инвестициялар ва қимматли қоғозлар бўлими бошлиғи З.Ф.Ақбаров ишчи президиум аъзоларидан ўз ўринларини эгаллашларини сўради ва шундан сўнг йиғилиш кун тартибидаги биринчи ва иккинчи масаларига ўтиб, қуйидагиларни маълум қилди, яъни «Қўқонспирт» АЖ Кузатув кенгашининг 2015 йил 23 майда бўлиб ўтган 2014 йил якунлари бўйича Акциядорлар умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш масаласига бағишланган мажлисида акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига киритилган масалалар, олиб бориш регламенти лойиҳаси ва Санок комиссиясига сайланадиган номзодлар ўрганиб чиқилиб, Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланиши учун тавсия этилган.

Сўз давомида З.Ақбаров йиғилиш кун тартиби ва уни олиб бориш регламентини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди:

### **Акциядорлар умумий йиғилиши** **К У Н Т А Р Т И Б И Д А :**

**1. 2014 йил якунига бағишланган «Қўқонспирт» АЖ Акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиш Регламентини тасдиқлаш;**

**2. Санок комиссияси аъзолари таркибини тасдиқлаш;**

**3. Жамият Кузатув кенгашининг 2014 йилда корпоратив бошқарув талабларини бажарилиши бўйича ҳисоботи.**

Учинчи масала юзасидан маърузачи – «Қўқонспирт» АЖ Кузатув кенгаши раиси Джафарова Зухра Насировна (10 дақиқа).

**4. Жамият ижроия органи раҳбарининг 2014 йилда жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти якунлари ва бизнес-режасини бажарилиши тўғрисида ҳисоботини тасдиқлаш.**

Тўртинчи масала юзасидан маърузачи – «Қўқонспирт» АЖ бошқаруви раиси Самигов Хабибулла Абдуллаевич (10 дақиқа).

**5. 2014 йил якуни бўйича, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботини тасдиқлаш.**

Бешинчи масала юзасидан маърузачи – «Қўқонспирт» АЖ бош ҳисобчиси Зайнетдинов Мадазим Зинатович (10 дақиқа).

**6. 2014 йил якуни бўйича жамият ташқи аудиторининг хулосасини тасдиқлаш.**

Олтинчи масала юзасидан маърузачи “Косаудитинформ” агентлиги МЧЖ аудитори Хусанов Абдухалим Эгамбердиевич (5 дақиқа).

**7. 2014 йил якуни бўйича жамият тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.**

Еттинчи масала юзасидан маърузачи – Тафтиш комиссияси раиси Холлиева Дилафруз Арслановна (5 дақиқа).

**8. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари янги таркибини сайлаш.**

**9. Жамият Тафтиш комиссия аъзолари янги таркибини сайлаш.**

Саккизинчи ва тўққизинчи масалалар юзасидан маърузачи – «Қўқонспирт» АЖ юридик бўлими бошлиғи Сайфиддинов Сирожиддин (5 дақиқадан).

**10. Жамиятнинг 2015 йил молиявий – хўжалик фаолиятини текшириш учун жамият Аудиторини ва унга тўланадиган хизмат ҳақи миқдорини тасдиқлаш.**

Ўнинчи масала юзасидан маърузачи – «Қўқонспирт» АЖ Кузатув кенгаши аъзоси Юсупходжаев Асил Агзамович (5 дақиқа).

**11. Жамиятнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.**

Ўн биринчи масала юзасидан маърузачи – «Қўқонспирт» АЖ меҳнат ва иш ҳақи бўлими бошлиғи Марахимов Мухаммадазиз Маматкаримович (5 дақиқа).

**12. Жамият бошқарув раисини сайлаш ва сайланган номзод билан меҳнат шартномасини тузиш.**

**13. Жамият ижро органи аъзолари таркибини тасдиқлаш ва улар билан меҳнат шартномасини тузиш.**

Ўн иккинчи ва ўн учинчи масалалар юзасидан маърузачи - «Қўқонспирт» АЖ Кузатув кенгаши раиси Джафарова Зухра Насировна (5 дақиқа).

**14. Жамиятнинг 2015 йил учун тузилган бизнес-режасини тасдиқлаш.**

Ўн тўртинчи масала юзасидан маърузачи – «Қўқонспирт» АЖ режа ва иқтисод бўлими бошлиғи Абдурасулов Жамолхон (10 дақиқа).

**15. Жамият акцияларини майдалаш.**

**16. Акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш.**

**17. Эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш.**

Ўн бешинчи, ўн олтинчи ва ўн еттинчи масалалар юзасидан маърузачи – «Қўқонспирт» АЖ Инвестициялар ва қимматли қоғозлар бўлими бошлиғи Акбаров Зафар Фарходович (10 дақиқа).

**18. Жамиятнинг Устави, ҳамда ички низомларини ўзгартиришлар ҳамда қўшимчалар билан янги тахририни тасдиқлаш.**

Ўн саккизинчи масалалар юзасидан маърузачи – «Қўқонспирт» АЖ юридик бўлими бошлиғи Сайфиддинов Сирожиддин (10 дақиқа).

**19. Жамият кузатув кенгаши ва ижро органи аъзоларини 2014 йил якуни бўйича рағбатлантириш.**

Ўн тўққизинчи масала юзасидан маърузачи – «Қўқонспирт» АЖ Кузатув кенгаши аъзоси Умаров Абдукарим Суратович (5 дақиқа).

**20. 2014 йил якуни бўйича жамият молиявий хўжалиги фаолиятидан олинган соф фойдани тақсимоти тўғрисида.**

**21. Жамиятнинг 2014 йил якуни бўйича олинган соф фойдасидан ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун қолдирилган қисмини жамият уставига капитализация қилиш, жамият устав фондиди ошириш.**

Йигирма ва ийгирма биринчи масалалар юзасидан маърузачи – «Қўқонспирт» АЖ Инвестициялар ва қимматли қоғозлар бўлими бошлиғи Акбаров Зафар (5 дақиқа).

**22. Акциядорлар ёки уларнинг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри даъво қилиш учун белгиланган муддатда талаб қилиб олмаган 2011 йил якуни бўйича ҳисобланган дивидендларни жамият ихтиёрида қолдириш.**

Йигирма иккинчи масала бўйича маърузачи - «Қўқонспирт» АЖ инвестициялар ва қимматли қоғозлар бўлими мутахассиси Пирматова Мукамалхон (5 дақиқа).

Ҳар бир масала бўйича музокараларга сўзга чиқувчилар учун 3 дақиқадан вақт ажратиб берилади. Кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилгандан сўнг Санок комиссияси аъзолари бюллетенларни йиғиб олиши ва овоз бериш натижаларини кўриб чиқиши учун 15 дақиқа таннафус эълон қилинади.

Кун тартибига киритилган масалалар ва регламентни эшиттиргандан сўнг йиғилиш бошловчиси Акциядорларга мурожаат этиб, йиғилиш регламентини очиқ овоз бериш йўли билан, яъни қўл кўтариш орқали тасдиқлаб беришларини сўради. Йиғилиш регламенти йиғилиш иштирокчилари томонидан бир овоздан тасдиқланди.

Кун тартибининг иккинчи масаласига ўтиб, З.Аkbаров Кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган Санок комиссиясини уч кишидан иборат Г.Ахмедова, Г.Горячева ва М.Пирматовалар аъзолигида тузилиб, Умумий йиғилиши томонидан тасдиқлашга таклиф киритди.

Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркиби Умумий йиғилиши томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан тасдиқланди.

**Йиғилиш бошловчиси З.Аkbаров кун тартибидаги 3-чи масала юзасидан сўзга «Қўқонспирт» АЖ Кузатув кенгаши раиси Джафарова Зухра Насировнани таклиф этди.**

З.Н.Джафарова ўз маърузасида кузатув кенгаши томонидан ҳисобот йили мобайнида амалга оширилган ишлари ҳақида ҳисобот берди. Кузатув кенгаши ўз ишини «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги 189-сонли «Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган акциядорлик жамиятининг «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги намунавий Низоми асосида, «Қўқонспирт» акциядорлик жамияти акциядорларининг умумий йиғилишида тасдиқланган жамият «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги Низом асосида, унда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар, ваколатлар доирасида ташкил қилди.

2014-ҳисобот йилида Кузатув кенгаши томонидан жами ўн бир маротаба йиғилишлар ўтказилган, шулардан олтитаси навбатдаги, бештаси эса навбатдан ташқари ўтказилган. Корпоратив бошқарув тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, Кузатув кенгаши томонидан ҳар чорақда жамият бошқаруви раисининг ҳисоботи, йиллик бизнес режа кўрсаткичлари бажарилиши, бухгалтерия ҳисоботлари, ички аудит хизмати ҳисоботлари, ҳамда жамият таъсисчилигида ташкил этилган корхоналар раҳбарларининг ҳисоботлари кўриб чиқилди.

Юқоридагилардан ташқари Кузатув кенгаши томонидан кенгаш раиси ва котибини сайлаш, кенгашининг иш режаси, кузатув кенгаши аъзоларини вазифалар тақсимооти, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, жамиятга ҳомийлик тўғрисида тушган хатлар ўз вақтида кўрилиб, тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилган ва жавоб берилган. Жумладан, «2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказиладиган XXXI ёзги Олимпия ўйинлари ва XV Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини муносиб тайёрлаш тўғрисидаги» қарори, «Андижон вилоятида турар-жой массивлари учун коммунал инфратузилмани жадал ривожлантириш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар тўғрисида» қарорларига ва Республика Болалар спортини ривожлантириш жамгармасига мувофиқ ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилди.

Жамият Кузатув кенгаши аъзолари ўз ҳуқуқ ва ваколатлари доирасида, зиммаларидаги мажбуриятларни бажарилишини таъминлаш мақсадида жамият фаолиятида фаол иштирок этиб, кузатув кенгаши мажлисларида иштирок этиб, кун тартибидаги масалалар юзасидан овоз бериш билан биргаликда, мажлисларга тайёргарлик кўриш, ҳисоботларни тайёрланиши ва бажарилишини назорат қилиш, уни ўрганиш ва тўғри баҳо бериб, қарорлар қабул қилиш мақсадида жамият ижро органи, жамият бўлимлари, аудитор ва бухгалтерлар, жамият мутахассислари билан мулоқотда бўлиб, амалий ёрдам берилган.

Жамиятнинг 2014 йил якуни бўйича дебиторлик ва кредиторлик қарзларни камайтириш бўйича бир мунча ишлар амалга оширилган. Эскирган асбоб-ускуналарни янги тежамкор ва замонавийларига алмаштириш, модернизация ва реконструкция қилиш масаласида йилдан йилга қатор ишлар амалга оширилиб, жамият томонидан ҳисобот йилда иқтисодий салоҳиятни оширишга жами 8 639,7 млн. сўм пўл маблағлари сарфланган.

*(«ҚЎҚОНСПИРТ» АЖ Кузатув кенгашининг 2014 йилда корпоратив бошқарув талабларини бажарилиши бўйича ҳисоботи илова қилинади).*

***Кун тартибидаги 3-чи масала бўйича берилган овозлар натижаси:***

***Тарафдорлар – 9 935 156 овоз, Қаршилар – йўқ, Бетарафлар – 107 овоз йиғилишида қатнашган 99,99 % овоз билан тасдиқланди.***

**Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича сўз навбати «Қўқонспирт» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Х.Самиговга берилди.** Маърузачи ўз сўзида ҳисобот йилида жамият бошқаруви томонидан корхонани иқтисодий салоҳиятини оширишда қурилиш монтаж ишларига, бугунги кун талабларига жавоб берадиган замонавий ва энерготежамкор ускуналар билан модернизация қилиш, ҳамда ҳукуматимиз томонидан белгиланган ижтимоий – иқтисодий дастурни амалга оширишда жорий йилда амалга оширилган тадбирлар тўғрисида ҳисобот берди.

Сўз давомида Х.Самигов «Қўқонспирт» акциядорлик жамияти 2014 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти якунлари ва бизнес-режасини бажарилиши тўғрисида баён қилди.

«Қўқонспирт» АЖ молиявий-иқтисодий аҳволи йилдан йилга ижобий томонга ўсиб бораётганлигини ва корхонамиз барқарор ишлаб турган корхоналардан бўлганлигини, ишлаб чиқарилаётган маҳсулоти ҳудуднинг ялпи маҳсулотига таъсири сезиларли даражада катта бўлганлигини, ва шу билан бирга 2014 йилни якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 3 декабрдаги “Озуқа этил спиртини 2014 йилда ишлаб чиқариш ва тақсимлаш баланси туғрисида”ги №Р-4188 сонли фармойишига ва Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири Ш.Мирзиёев томонидан тасдиқланган “озуқа этил спиртини 1 ва 2 ярим йилда ишлаб чиқариш ва тақсимлаш баланс параметрларини бажарилиши графиги”га асосан 2014 йилга 2783 минг дал спирт маҳсулоти ишлаб чиқариш вазифаси юклатилганлиги, ҳақиқатда 2783,6 минг дал тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилиб режадаги 91,8 млрд. сўмлик товар маҳсулоти ўрнига, 95,7 млрд. сўмлик товар маҳсулоти ишлаб чиқарилди ва режага нисбатан 104,2% ўсиш сўрғатларига эришилди. 2014 йилда давлат бюджетига 35,0 млрд. сўм тўланди, шундан акциз солиғига 10,1 млрд. сўм пул маблағи ўтказилди.

2014 йилда корхона томонидан барча режалаштирилган вазифалар бажарилганлиги ҳақида малумот берди.

*(«ҚЎҚОНСПИРТ» АЖ бошқаруви раисининг 2014 йил якуни бўйича таҳлилий ҳисоботи илова қилинади).*

**Кун тартибидаги 4-чи масала бўйича берилган овозлар натижаси:**  
**Тарафдорлар – 9 935 156 овоз, Қаршилар – йўқ, Бетарафлар – 107 овоз**  
**йиғилишида қатнашган 99,99 % овоз билан тасдиқланди.**

**Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича сўз навбати жамият бош ҳисобчиси М.Зайнетдиновга берилди.**

Маърузачи ўз сўзида 2014 йил давомида жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятини янада кенгайтириш ва ривожлантириш йўлида барча зарурий ишлар амалга оширилганлиги ва бунинг натижасида иқтисодий аҳвол бир мунча яхшиланганлигини айтиб, йиғилиш қатнашчиларига иқтисодий кўрсаткичлар билан таништириб, бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар туғрисидаги ҳисоботни тўлиқ ўқиб эшиттирди. Маърузачи жамиятнинг 2014 йил якуни бўйича даромад солиғи тўлагунга қадар фойдаси 11 846 339,0 минг сўмни, даромад солиғи ва фойдадан бошқа солиқлар 2 268 440,0 минг сўм миқдорида тўланганлиги. Натижада жамиятнинг 2014 йил якунига кўра олган соф фойдаси 9 577 899,0 минг сўмни ташкил этганлиги туғрисида маълумот берди.

*(«ҚЎҚОНСПИРТ» АЖ бош ҳисобчи М.Зайнетдиновнинг 2014 йил якуни бўйича ҳисоботи илова қилинади).*

**Кун тартибидаги 5-чи масала бўйича берилган овозлар натижаси:**  
**Тарафдорлар – 9 935 077 овоз, Қаршилар – йўқ, Бетарафлар – 186 овоз**  
**йиғилишида қатнашган 99,99 % овоз билан тасдиқланди.**

**Йиғилиш кун тартибидаги олтинчи масала бўйича сўзни “Консаудитинформ” агентлиги МЧЖ аудитори Хусанов Абдухалим Эгамбердиевичга берилди.**

А.Хусанов ўз сўзида, жамиятнинг 2014 йил якуни бўйича аудиторлик текшируви «Консаудитинформ» агентлиги МЧЖ шаклидаги аудиторлик ташкилоти томонидан амалга оширилганлиги, шунингдек аудиторлик текшируви Аудиторлик фаолияти миллий андозаларига мувофиқ ўтказилганлиги, «Қўқонспирт» акциядорлик жамиятининг молиявий ҳисоботи унинг молиявий аҳволини ҳаққоний акс эттирилганлиги ҳамда ижобий аудиторлик хулосаси берилганлигини таъкидлаб, аудиторлик ташкилотининг хулосасини ўқиб эшиттирди.

*(Аудиторлик хулосаси илова қилинади).*

**Кун тартибидаги 6-чи масала бўйича берилган овозлар натижаси:**  
**Тарафдорлар – 9 935 156 овоз, Қаршилар – йўқ, Бетарафлар – 107 овоз**  
**ийгилишида қатнашган 99,99 % овоз билан тасдиқланди.**

**Йиғилиш кун тартибидаги еттинчи масала юзасидан жамият тафтиш комиссияси раиси Д.Холлиева сўзга чиқди.**

Маърузачи ўз сўзида «Қўқонспирт» акциядорлик жамиятида Ўрта Осиё худудида энг катта бўлган озуқа этил спирти ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлигини. «Қўқонспирт» акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариладиган спирт маҳсулотининг лойиҳавий йиллик ҳажми 2828,9 минг дални ташкил этишини, республика ичида ишлаб чиқарилиши режалаштирилган мазкур турдаги маҳсулотнинг 34,1 фоизини ташкил қилишини айтиб ўтди.

Д.Холиева тафтиш комиссияси томонидан жамият молиявий-хўжалик фаолияти, ишлаб чиқаришни режалаштирилиши, жамиятнинг дебитор ва кредитор қарзларнинг таҳлили мунтазам равишда тафтиш қилиниб, ўрганиб борилганлиги ва бу кўрсаткичлар 2013 йил якунларига нисбатан ўсганлиги тўғрисида гапириб ўтди.

( «ҚЎҚОНСПИРТ» АЖ Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи илова қилинади).

**Кун тартибидаги 7-чи масала бўйича берилган овозлар натижаси:**  
**Тарафдорлар – 9 935 156 овоз, Қаршилар – йўқ, Бетарафлар – 107 овоз**  
**ийгилишида қатнашган 99,99 % овоз билан тасдиқланди.**

**Йиғилиш кун тартибидаги саккизинчи масаласи бўйича сўз навбати жамият ҳуқуқшуноси Сайфуддинов Сирожиддинга берилди.**

Маърузачи ўз нутқида Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги қонунига асосан Кузатув кенгаши аъзолари таркиби, ҳамда жамият Тафтиш комиссияси аъзолари таркиби бир йил муддатга сайланишини, сайланган номзодлар йил якуни натижалари бўйича қайта сайланиши мумкинлигини йиғилиш қатнашчиларига эслатиб ўтди. Ушбу қонунга биноан жамият Низом фондидаги жами 1 фоиздан ошиқ акцияларга эга бўлган акциядорлар жамият молиявий йили тугаши билан 30 кундан кечиктирмай акциядорлар кузатув кенгашига мурожаат этиб, йиллик якуний умумий йиғилишида сайланадиган номзодларни таклиф қилишлари мумкинлигини ҳам эслатиб ўтди.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ «Ўзспиртсаноат» акциядорлик компаниясининг 2015 йил 28 январдаги №01/05-22 сонли хатида компания томонидан қуйидаги номзодлар кузатув кенгаши аъзолигига тавсия этилган:

- Садиров Тухтасин – «Ўзспиртсаноат» АК молия-иқтисод бўлими бошлиғи –  
Ғайиббердиевич бош бухгалтер;
- Юсупов Бобир – «Ўзспиртсаноат» АК кадрлар бўйича бош мутахассис;  
Усманович
- Маматкулов Шодиёр – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг молия  
Абдувоҳидович ва нарх бўлими бошлиғи ўринбосари;
- Умаров Абдукарим – «Ўзспиртсаноат» АК референти.  
Суратович

Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Давлат активларини бошқариш марказининг 2015 йил 29 январдаги 01/06-192-сонли хатига асосан, кузатув кенгаши аъзолигига қуйидаги номзодлар тавсия этилган:

- Давруков Фахриддин – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Умарович сектор мудир;
- Саттаров Тўлкин – Давлат активларини бошқариш марказининг корхоналар Абдихалилович билан корпоратив ишлар бўлими бошлиғи;
- Юсупходжаев Асил – Ўзбекистон Республикаси Марказий депозитарийси бош Агзамович директорининг биринчи ўринбосари в.в.б..

«Қўқонспирт» АЖ меҳнат жамоасининг 2015 йил 28 январдаги кенгайтирилган йиғилиши қарорига асосан, кузатув кенгаши аъзолигига қуйидаги номзодлар тавсия этилган:

- Турдиқулов Мухитдин – Давлат рақобат қўмитаси Фарғона вилоят ҳудудий Собирович бошқармаси бошлиғи;
- Новиков Илès – Фарғона вилояти ҳокимининг иқтисодиёт ва ижтимоий Валериевич ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари.

Юқоридагиларни инобатга олиб жамият Кузатув кенгаши аъзолари томонидан 2015 йилнинг 09 феввалида бўлиб ўтган йиғилиш қарорига асосан «Ўзспиртсаноат» акциядорлик компаниясининг 2014 йил 29 январдаги №01/05-14 сонли хати ва Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш марказининг 2013 йил 30 январдаги №01/06-98-сонли хатлардаги ҳамда “Қўқонспирт” АЖ меҳнат жамоасида ишлаётган акциядорлар 2015 йил 28 январдаги таклифларга биноан, «Қўқонспирт» АЖ кузатув кенгаши аъзолигига таклиф қилинган номзодлар акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишида сайлаш учун тавсия қилинган.

Шунингдек С.Сайфиддинов йиғилиш иштирокчиларни Кузатув кенгаши аъзолигига сайланадиган номзодлар тўғрисида маълумотлар бериб, акциядорлар ҳар бир номзод бўйича ўз фикрини овоз бериш бюллетенларида кумулятив овоз бериш йўли билан билдиришлари мумкинлигини эслатиб ўтди.

Сўз давомида С.Сайфиддинов Кузатув кенгаши раисига ҳисобот йилининг ҳар ойида Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 20 (йигирма) баробари миқдорида ва Кузатув кенгаши аъзоларига ҳисобот йилининг ҳар ойида Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 10 (ўн) баробари миқдорида рағбатлантириш тўлови сметасини тасдиқлаш таклифини киритди.

**Кун тартибидаги 8-чи масала бўйича берилган овозлар натижаси:**

**1) Кузатув кенгаши таркибига сайлаш учун:**

**1. Садиров Тўхмасин Ғайиббердиевич:**

Овозлар – 8 274 113 овоз билан тасдиқланди.

**2. Юсупов Бобир Ўсманович:**

Овозлар – 8 274 371 овоз билан тасдиқланди.

**3. Умаров Абдукарим Суратович:**

Овозлар – 8 274 371 овоз билан тасдиқланди.

**4. Маматқулов Шодиёр Абдувоҳидович:**

Овозлар – 8 274 371 овоз билан тасдиқланди.

**5. Сатаров Тулкин Абдихалилович:**

Овозлар – 12 703 348 овоз билан тасдиқланди.

**6. Юсупходжаев Асил Агзамович:**

Овозлар – 12 703 548 овоз билан тасдиқланди.

**7. Турдикулов Мухитдин Собирович:**

Овозлар – 12 703 549 овоз билан тасдиқланди.

**8. Новиков Илёс Валериевич:**

Овозлар – 8 274 171 овоз билан тасдиқланди.

**II) Кузатов кенгаши раисига** ҳисобот йилининг ҳар ойида Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 20 (йигирма) баробари миқдорида ва Кузатов кенгаши аъзоларига ҳисобот йилининг ҳар ойида Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 10 (ўн) баробари миқдорида тўлов бадали сметаси тасдиқлансин.

**Тарафдорлар – 9 935 156 овоз, Қаршилар – йўқ, Бетарафлар – 107 овоз йиғилишида қатнашган 99,99 % овоз билан тасдиқланди.**

**Кун тартибидаги тўккизинчи масаласи** бўйича сўзни С.Сайфиддинов давом эттириб, жамият Тафтиш комиссияси таркибига сайлаш учун қўйидаги номзодлар кўриб чиқилганлиги тўғрисида маълумот берди:

**«Ўзспиртсаноат» АК** томонидан:

- Холлиева Дилафруз Арслановна – «Ўзспиртсаноат» АК маркетинг ва спирт саноати корхоналарини ривожлантириш истикболлари бўлими етакчи мутахассиси;
- Прошурина Юлия Анатольевна – «Ўзспиртсаноат» АК бошқарма бошлиғи ўринбосари.

**Давлат активларини бошқариш Маркази** томонидан қўйидаги номзодлар:

- Фармонов Бахтиёр Баходирович – Давлат рақобат қўмитаси Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасининг бўлим бошлиғи;
- Умаров Сарвар Хайдарович – Давлат активларини бошқариш марказининг корхоналар билан корпоратив ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари;

Тавсия этилган номзодлардан Тафтиш комиссияси аъзолигига фақат учта номзод сайланиш мумкинлигини эслатиб, С.Сайфиддинов акциядорлардан юқорида кўрсатиб ўтилган номзодлар бўйича ўз фикрларини овоз бериш бюлетенларида акс эттиришларини, ҳамда Тафтиш комиссияси аъзолари фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун 2015 йил якуни бўйича уларга Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 20 (йигирма) баробари миқдорида рағбатлантириш сметасини тасдиқлаш таклифини киритди.

**Кун тартибидаги 9-чи масала бўйича берилган овозлар натижаси:**

**I) Тафтиш комиссияси таркибига қайта сайлаш:**

**1. Холлиева Дилафруз Арслановна:**

Тарафдорлар – 5 175 248 овоз, Қаршилар – йўқ, Бетарафлар – 4 760 015 овоз йиғилишида қатнашган 52,09 % овоз билан тасдиқланди.

**2. Прошурина Юлия Анатольевна:**

Тарафдорлар – 9 935 263 овоз, Қаршилар – йўқ, Бетарафлар – йўқ йиғилишида қатнашган 100,0 % овоз билан тасдиқланди.

**3. Фармонов Бахтиёр Баходирович:**

Тарафдорлар – 4 770 140 овоз, Қаршилар – 5 165 123, Бетарафлар – йўқ йиғилишида қатнашган 48,01 % овоз туплади ва тасдиқланишдан ўтмади.

**4. Умаров Сарвар Хайдарович:**

Тарафдорлар – 9 925 138 овоз, Қаршилар – йўқ, Бетарафлар – 10 125 овоз  
йиғилишда қатнашган 99,89 % овоз билан тасдиқланди.

**II) Тафтиш комиссияси аъзоларига 2015 йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 20 (йигирма) баробари миқдорида рағбатлантириш сметаси тасдиқлансин.**

**Тарафдорлар – 9 935 156 овоз, Қаршилар – йўқ, Бетарафлар – 107 овоз  
йиғилишда қатнашган 99,99 % овоз билан тасдиқланди.**

**Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича сўз навбати «Қўқонспирт» АЖ Кузатов кенгаши аъзоси Юсупходжаев Асил Агзамовичга берилди.**

Маърузачи ўз нутқида Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги конун, Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги конун талабларини бажариш мақсадида 2015 молиявий йил бўйича аудиторлик ташкилотини (ташқи Аудиторни) танлаш зарурлиги ва ушбу масала юзасидан «Қўқонспирт» АЖга саккизта аудиторлик ташкилотларидан хар-хил тижорат таклифлари келиб тушганлиги ҳақида маълумот берди.

А.Юсупходжаев маърузасида сифатсиз аудиторлик текшируви натижасида етказилиши мумкин бўлган зарарларни олдини олиш мақсадида аудиторлик ташкилотларини янада чуқурроқ ўрганиш зарурлигини таъкидлаб, аудиторлик ташкилотларни малака ва сифат кўрсаткичларига чуқурроқ эътибор бериш зарурлиги сабабли, «Қўқонспирт» АЖнинг 2015 йил молиявий-хўжалик фаолиятини аудиторлик текшируви ўтказадиган аудиторлик ташкилотини танлаш ва унинг хизмат ҳақи миқдорини белгилаш Кузатов кенгаши ваколатига бериш таклифини киритди.

**Кун тартибидаги 10-чи масала бўйича берилган овозлар натижаси:**

**Тарафдорлар – 9 935 263 овоз, Қаршилар – йўқ, Бетарафлар – йўқ  
йиғилишда қатнашган 100 % овоз билан тасдиқланди.**

**Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича сўз навбати «Қўқонспирт» АЖ меҳнат ва иш ҳақи бўлими бошлиғи Марахимов Мухаммадазиз Маматкаримовичга берилди.**

М.Марахимов йиғилиш иштирокчиларига ўз нутқида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги «Акциядорлик жамиятларида замонвий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги №ПФ-4720 сонли фармонининг ижроси юзасидан «Қўқонспирт» АЖ томонидан фаолият самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш мақсадида янги ташкилий бошқарув тузилмаси лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги тўғрисида тингловчиларга хабар берди ва йиғилиш қатнашчиларига янги бошқарув тузулмасини такдим этди.

Маърузачи янги бошқарув тузилманинг амалдаги тузилмадан асосий фарқларини айтиб ўтди. Янги тузилмага кўра эски коллегиял ижроия органи (бошқарув) янги коллегиял органи – директорлар кенгашига ўзгартирилмоқда. Директорлар кенгаши бешта директордан иборат бўлиб, уларнинг вазифалари ПФ-4720 сонли фармонида кўрсатилган ташкилий структурага биноан тақсимланган.

Сўз давомида М.Марахимов «Қўқонспирт» АЖнинг янги бошқарув тузилмасини тасдиқлаш таклифини киритди.

*(11 масала юзасидан янги бошқарув тузилмаси илова қилинади).*

**Кун тартибидаги 11-чи масала бўйича берилган овозлар натижаси:**

**Тарафдорлар – 9 935 184 овоз, Қаршилар – йўқ, Бетарафлар – 79 овоз  
йиғилишда қатнашган 99,99 % овоз билан тасдиқланди.**

**Йиғилиш раиси Джафарова Зухра Насировна кун тартибидаги ўн иккинчи ва ўн учинчи масалалар бўйича сўз олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги №ПФ-4720 сонли «Акциядорлик жамиятларида замонвий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони иккинчи иловаси “Корпоратив бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар Дастури”да келтирилган акциядорлик жамиятлари бошқарув раиси ҳамда директорлари аттестациядан ўтказиш тўғрисида ахборот бериб ўтди. «Кўқонспирт» АЖ бошқаруви раисини сайлаш, жамият ижро органи аъзоларини таркибини тасдиқлаш ва улар билан меҳнат шартномаларини тузишни аттестация натижаларига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари бўладиган кейинги йиғилишига қолдирилиш, шунингдек, «Кўқонспирт» АЖ бошқарув раиси ва ижро органи вазифаларини бажарувчи ходимлар билан тўзилган меҳнат шартномасини навбатдан ташқари акциядорлар йиғилишига қадар муддатини узайтириш таклифини киритди.**

***Кун тартибидаги 12-чи масала бўйича берилган овозлар натижаси:  
Тарафдорлар – 9 935 113 овоз, Қаршилар – йўқ, Бетарафлар – 150 овоз  
йиғилишда қатнашган 99,99 % овоз билан тасдиқланди.***

***Кун тартибидаги 13-чи масала бўйича берилган овозлар натижаси:  
Тарафдорлар – 9 935 113 овоз, Қаршилар – йўқ, Бетарафлар – 150 овоз  
йиғилишда қатнашган 99,99 % овоз билан тасдиқланди.***

**Йиғилиш кун тартибидаги ўн тўртинчи масала бўйича сўз навбатини жамиятнинг режалаштириш бўлими бошлиғи Ж.К.Абдурасуловга берилди.**

Маърузачи ўз сўзида, жамиятнинг 2015 йил давомида амалга ошириладиган ишлари ҳақида сўзлаб, 2015 йил учун мўлжалланган бизнес режасининг асосий параметрлари ва техник-иқтисодий кўрсаткичлари тўғрисида йиғилиш қатнашчиларига баён қилди. Йиғилиш қатнашчилари томонидан берилган саволларга жавоб берди.

*(14 масала юзасидан Ж.К.Абдурасулов маърузаси илова қилинади).*

***Кун тартибидаги 14-чи масала бўйича берилган овозлар натижаси:  
Тарафдорлар – 9 935 184 овоз, Қаршилар – йўқ, Бетарафлар – 79 овоз  
йиғилишда қатнашган 99,99 % овоз билан тасдиқланди.***

**Йиғилиш кун тартибидаги ўн бешинчи, ўн олтинчи ва ўн еттинчи масалалар бўйича сўз навбати жамият «Инвестициялар ва қимматли қоғозлар бўлими» бошлиғи З.Ф.Акбаровга берилди.**

Кун тартибидаги масалалар бир бирига узвий боғлиқ бўлганлиги сабабли, З.Акабаров «Кўқонспирт» акциядорлик жамияти акцияларини Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги №ПФ-4720 сонли «Акциядорлик жамиятларида замонвий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига кўра низом фондида кўзда тутилган масалалар бўйича маълумот бериб акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамиятда жойлаштирилган акцияларни майдалашни амалга ошириш масаласини таъкидлаб, бунинг натижасида жамиятнинг бир акцияси худди шу турдаги икки минг олти юз олтимишта акцияга айирбошланиши, яъни акциялар номинал кийматини 1(бир) сўмга тушушини ва жамият уставига жамиятнинг жойлашган акцияларининг номинал киймати ва сонига тааллуқли ўзгартиришлар киритишни таклиф этди.

**Кун тартибидаги 15-чи масала бўйича берилган овозлар натижаси:**  
**Тарафдорлар – 9 935 113 овоз, Қаршилар – йўқ, Бетарафлар – 150 овоз**  
**йиғилишида қатнашган 99,99 % овоз билан тасдиқланди.**

Ўн олтинчи масала юзасидан З.Акбаров Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2009 йил 30 август куни 2000-сон билан рўйхатга олинган “Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида”ги Қоидалар бузилишини олдини олиш мақсадида акциялар чиқарилиши тўғрисида қарор, эмиссия рисоласини, ҳамда ушбу масала билан боғлиқ жамият Уставига тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш кузатув кенгаши зиммасига юклаш таклифини киритди.

**Кун тартибидаги 16-чи масала бўйича берилган овозлар натижаси:**  
**Тарафдорлар – 9 935 263 овоз, Қаршилар – йўқ, Бетарафлар – йўқ**  
**йиғилишида қатнашган 100 % овоз билан тасдиқланди.**

Ўн еттинчи масала бўйича З.Ф. Акабаров «Қўқонспирт» АЖ Уставида эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини 35 000 000 000 сўмлик номинал қиймати 1 сўмлик 35 000 000 000 дона этиб белгилаш таклифини киритиди

(З.Акабаровнинг кун тартибидаги 15,16 ва 17 масалалари бўйича маърузаси, ҳамда жамият Уставига ва ички низомларга киритилаётган ўзгартиришлар матни илова қилинади).

**Кун тартибидаги 17-чи масала бўйича берилган овозлар натижаси:**  
**Тарафдорлар – 9 935 263 овоз, Қаршилар – йўқ, Бетарафлар – йўқ**  
**йиғилишида қатнашган 100 % овоз билан тасдиқланди.**

**Йиғилиш кун тартибидаги ўн саккизинчи масала бўйича сўз навбатини**  
**яна жамият ҳуқуқшуноси Сайфуддинов Сирожиддинга берилди.**

Кун тартибидаги ўн саккизинчи масала бўйича жамият ҳуқуқшуноси С.Сайфитдинов сўзга чиқиб, «Қўқонспирт» АЖ Устави, «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида»ги Низоми, «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги Низоми, «Тафтиш комиссияси тўғрисида»ги Низоми, «Ижро этувчи органи тўғрисида»ги Низоми, «Ички Аудит хизмати тўғрисида»ги Низоми, ҳамда «Кузатув кенгаши ва ижроия органи аъзоларини тақдирлаш тўғрисида»ги Низомларнинг янги тахрири Ўзбекистон Республикаси Марказий Депозитарийси томонидан Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг янги тахририга асосан ишлаб чиқилганлиги, тўғрисида маълумот бериб, ушбу ҳужжатларни йиғилиш иштирокчиларга тақдим этди.

Шунингдек, кун тартибидаги ўн бешинчи масалада жамиятнинг акцияларини майдалаш тўғрисида муҳокама қилинганлиги, ўн еттинчи масалада эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгиланганлигини таъкидлаб, жамият Устави ва ички низомларини янги тахрирда тасдиқлаш зарурлиги тўғрисида баён қилди ва юқорида айтиб ўтилган ҳужжатларни тасдиқлаш таклифини киритди.

**Кун тартибидаги 18-чи масала бўйича берилган овозлар натижаси:**  
**Тарафдорлар – 9 935 184 овоз, Қаршилар – йўқ, Бетарафлар – 79 овоз**  
**йиғилишида қатнашган 99,99 % овоз билан тасдиқланди.**

**Йиғилиш кун тартибидаги ўн тўққизинчи масала бўйича сўз навбатини жамият Кузатув кенгаши аъзоси А.Умаров олди.**

Маърузачи ўз сўзида йиғилиш иштирокчиларини жамиятнинг 2014 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолиятида юқори кўрсаткичлар билан тугатилганлиги муносабати билан табриклаб, «Кўқонспирт» АЖ 2014 йил молиявий-хўжалик фаолиятини юксак ижобий кўрсаткичлар билан якунлашга катта ҳиссасини кўшган Кузатув кенгаши аъзолари ҳамда жамият ижро органи аъзоларини жамиятнинг ички низомларига асосан 2014 йил якуни бўйича олинган соф фойда ҳисобидан 3 фоиз миқдорида рағбатлантириш таклифини киритди.

**Кун тартибидаги 19-чи масала бўйича берилган овозлар натижаси:**  
**Тарафдорлар – йуқ, Қаршилар – 9 935 004 овоз, Бетарафлар – 229 овоз**  
**йиғилишда қатнашган 99,99 % овоз билан рад этилди.**

**Йиғилиш кун тартибидаги йигирманчи масала бўйича сўз навбатини яна «Кўқонспирт» АЖ «Инвестициялар ва қимматли қоғозлар бўлими» бошлиғи З.Ф.Акбаров олди.**

З.Акбаров сўз олиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2005 йил 27 апрелда рўйхатга олинган «Хўжалик жамиятлари устав жамғармасидаги давлат акциялари пакетлари (улушлари)ни бошқариш бўйича фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги 1473-сонли Низомининг 7-чи бандига асосан жамият соф фойдаси кейинги икки молия йилида 50,0 (эллик) млн. сўмдан юқорини ташкил этса, соф фойдани тақсимлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган холда амалга оширилиши кўрсатилганлигини, шунга асосан жамиятимиз Давлат томонидан тайинланган ишончли бошқарувчиси Ф.У.Давруковга мурожаат этганлигини, Ф.У.Давруков ўз навбатида Молия вазирлигига мурожаат этиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2015 йил 14 май кунда №44/2015 сонли кўрсатма олганлигини баён қилди.

Ушбу кўрсатмага асосан:

-Дивидендга - 20%

-Конунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат Рақобат кўмитаси ҳузуридаги Қимматли Қоғозлар бозорини ривожлантириш маркази орқали янги акциялар чиқариш йўли билан устав фондини оширишга - 75% йўналтирилиши белгиланган.

Бундан ташқари «Кўқонспирт» акциядорлик жамият Резерв (захира) фонди Устав фонди миқдорининг 15 фоизи миқдорида тузилишини ва бу миқдорга еткунга қадар ҳар йили соф фойдадан 5 фоиздан кам бўлмаган миқдорда ажратма қилиниши кўрсатилганлигини таъкидлаб ўтди.

З.Акбаров «Кўқонспирт» АЖ Кузатув кенгашининг 2015 йил 23 майда бўлиб ўтган йиғилиш қарорини, ундан олдин ўн тўққизинчи масала юзасидан сўзга чиққан маърузачининг таклифини, ҳамда акциялар ҳисобини инобатга олиб, 2014 йил якуни бўйича Жамиятимиз молиявий-хўжалик фаолиятдан олинган жами 9 577 898 704,52 (тўққиз миллиард беш юз етмиш етти миллион саккиз юз тўқсон саккиз минг етти юз тўрт сум) соф фойдани қўйидагича тақсимлаш таклифини киритди:

-Резер фондига - (5 %) - 483 231 288 сўм.

-Конунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат Рақобат кўмитаси ҳузуридаги Қимматли Қоғозлар бозорини ривожлантириш маркази орқали янги акциялар чиқариш йўли билан устав фондини оширишга - (75 %) - 7 180 533 628 сўм.

-Дивидендга - (20 %) - 1 914 133 788 сўм.

ёки ҳар бир акция учун- 189, сўм.

**Кун тартибидаги 20-чи масала бўйича берилган овозлар натижаси:**  
**Тарафдорлар – 9 935 263 овоз, Қаршилар – йук, Бетарафлар – йук**  
**ийгилишида қатнашган 100 % овоз билан тасдиқланди.**

**Йиғилиш кун тартибидаги йигирма биринчи масала бўйича** жамият «Инвестициялар ва қимматли қоғозлар бўлими» бошлиги З.Акбаров сўз олиб, 2014 йил якуни бўйича олинган соф фойдадан ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун қолдириладиган қисмини жамият уставига капитализация қилиш, жамиятнинг устав фондини оширишни кун тартибидаги ўн бешинчи, ўн олтинчи ва ўн еттинчи масалаларда кўрсатилган жамият акцияларини майдалаш жараёни бажарилгандан сўнг амалга оширишни ва ушбу масала юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиш жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатиш таклифини киритди.

**Кун тартибидаги 21-чи масала бўйича берилган овозлар натижаси:**  
**Тарафдорлар – 9 935 263 овоз, Қаршилар – йук, Бетарафлар – йук**  
**ийгилишида қатнашган 100 % овоз билан тасдиқланди.**

**Йиғилиш кун тартибидаги сўнги йигирма иккинчи масала бўйича** жамият «Инвестициялар ва қимматли қоғозлар бўлими» етакчи мутахассиси Пирматова Мукамалхон сўз олиб, амалдаги қонунчиликка асосан акциядорлар ёки уларнинг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри 3 йил давомида ҳисобланган дивидендларни талаб қилиб олмаса, жамият ушбу дивидендларни умумий йиғилиш қарорига асосан ўз ихтиёрида қолдириш ваколатига эга эканлигини йиғилиш иштирокчиларига билдириб ўтди.

Шу сабабли жамият балансида шу кунга қадар 2011 йил якунлари бўйича 21 (йигирма битта) акциядорга ҳисобланган жами 400 449 сўм дивидендлар мавжудлигини, ушбу дивидендлар акциядорлар ёки уларнинг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўрлари томонидан белгиланган тартибда 3 йилдан бери талаб қилиб олинмаганлигини билдириб, ушбу дивидендларни жамият соф фойдасига олиш таклифини киритди.

**Кун тартибидаги 22-чи масала бўйича берилган овозлар натижаси:**  
**Тарафдорлар – 9 935 263 овоз, Қаршилар – йук, Бетарафлар – йук**  
**ийгилишида қатнашган 100 % овоз билан тасдиқланди.**

**Акциядорларнинг умумий йиғилиши овоз бериш натижаларига кўра**  
**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :**

1. 2014 йил якунига бағишланган «Қўқонспирт» АЖ акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиш Регламенти тасдиқлансин.
2. Санок комиссияси таркиби ва аъзолари тасдиқлансин.
3. Жамият кузатув кенгашининг 2014 йилда жамиятда корпоратив бошқарув талабларини бажарилиши бўйича ҳисоботи ва йил давомида қабул қилинган қарорлари тасдиқлансин.
4. «Қўқонспирт» АЖ бошқаруви раисининг 2014 йилда жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти якунлари ва бизнес-режасини бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин ва унинг фаолияти қониқарли деб топилсин.

5. «Қўқонспирт» АЖ бош ҳисобчисининг 2014 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик ҳисоботи, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботи тасдиқлансин.
6. 2014 йил якуни бўйича жамият ташқи аудиторининг хулосаси тасдиқлансин.
7. 2014 йил якуни бўйича тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тасдиқлансин.
- 8.1. Кузатув кенгаши янги таркибига қўйидаги номзодлар тасдиқлансин:  
Ф.У.Давруков, Т.Ғ.Садиров, Б.У.Юсупов, А.С.Умаров, Ш.А.Маматкулов, Т.А.Саттаров, А.А.Юсупходжаев, М.С.Турдикулов ва И.В.Новиков
- 8.2. Кузатув кенгаши раисига ҳисобот йилнинг ҳар ойида Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 20 (йигирма) баробари миқдорида ва Кузатув кенгаши аъзоларига ҳисобот йилнинг ҳар ойида Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 10 (ўн) баробари миқдорида тўлов бадали сметаси тасдиқлансин.
- 9.1. Тафтиш комиссияси аъзоларига қўйидаги номзодлар сайлансин – Д.А.Холлиева, Ю.А.Прошурина ва С.Х.Умаров.
- 9.2. Тафтиш комиссияси аъзоларига 2015 йил якуни бўйича Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 20 (йигирма) баробари миқдорида рағбатлантириш сметаси тасдиқлансин.
10. Жамиятнинг 2015 йил молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш учун ташқи Аудиторлик ташкилотларидан бирини танлаш ва унга хизмат ҳақини тўлаш масаласини жамият Кузатув кенгаши ваколатига юклатилсин.
11. «Қўқонспирт» АЖнинг янги ташкилий тузилмаси тасдиқлансин.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги № ПФ-4720 сонли фармони талабларини акциядорлик жамиятлари фаолиятини самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 2015 йил 8 майдаги 4-сонли йиғилиши баёнини инobatга олиб, мазкур масалани жамият ижро органи раҳбари белгиланган тартибда аттестациядан ўтгандан сўнг кўриб чиқиш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида кўриб чиқилиши учун қолдирилсин.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги № ПФ-4720 сонли фармони талабларини акциядорлик жамиятлари фаолиятини самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 2015 йил 8 майдаги 4-сонли йиғилиши баёнини инobatга олиб, мазкур масалани жамият ижро органи аъзолари белгиланган тартибда аттестациядан ўтгандан сўнг кўриб чиқиш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида кўриб чиқилиши учун қолдирилсин.
14. Жамиятнинг 2015 йил учун ишлаб чиқилган жамият бизнес режаси тасдиқлансин.

**15.1.** Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 23-моддасига асосланиб “Қўқонспирт” АЖ жойлаштирган акцияларини майдалаш тасдиқлансин.

**15.2.** Жамиятнинг юқори номинал қийматга эга бўлган жойлаштирилган акциялари (номинал қиймати 2 660 сўм) худди шу турдаги янги чиқарилаётган номинал қиймати пасайтирилган (номинал қиймати 1 сўм) акцияларга айирбошлансин.

**15.3.** Янги акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш жамият кузатув кенгаши ваколатига берилсин.

**16.** Жамият акцияларини майдалаш муносабати билан янги акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласи, ҳамда киритилган ўзгартиришлар матни тасдиқлансин.

**17.** «Қўқонспирт» АЖ томонидан эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдори 35.000.000.000 сўмлик номинал қиймати 1 сўмдан бўлган 35.000.000.000 дона миқдорида белгилансин.

**18.** Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» Қонуни янги тахририда қабул қилинганлиги муносабати билан «Қўқонспирт» АЖ Устави, «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида»ги Низоми, «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги Низоми, «Тафтиш комиссияси тўғрисида»ги Низоми, «Ижро этувчи органи тўғрисида»ги Низоми, «Ички Аудит хизмати тўғрисида»ги Низоми, ҳамда «Кузатув кенгаши ва ижроия органи аъзоларини тақдирлаш тўғрисида»ги Низомлари янги тахрирда тасдиқлансин.

**19.** «Қўқонспирт» АЖ Кузатув кенгаши ҳамда ижро органи аъзолари 2014 йил якуни бўйича тақдирлаш акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилишида кўриб чиқилиши учун қолдирилсин.

**20.1.** «Қўқонспирт» АЖнинг 2014 йил якуни бўйича олган **9 577 898 704** (тўққиз миллиард беш юз етмиш етти миллион саккиз юз тўқсон саккиз минг етти юз тўрт) сўм соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

- ❖ - Резерв фондига - ( 5 %) – **483 231 288** сўм.
- ❖ - Дивидендлар тўлашга - (20 %) – **1 914 133 788** сўм.  
ёки 1 дона акция учун **189,00** сўм
- ❖ -Ўзбекистон Республикаси Давлат Ракобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли Қоғозлар бозорини ривожлантириш маркази орқали янги акциялар чиқариш йўли билан устав фондини оширишга - (75 %) – **7 180 533 628** сўм.

**20.2.** Дивидендларни тўлаб бериш муддати 23.06.2015 йилдан 12.08.2015 йилгача этиб белгилансин.

**21.** 2014 йил якуни бўйича олинган соф фойданинг капитализация йўли билан Устав фондини оширишга қолдирилган қисми акцияларни майдалаш жараёни ўтказилгандан сўнг жамият янги акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш жамият кузатув кенгаши ваколатига берилсин.

22. 2011 йил якунлари бўйича акциядорларга ҳисобланган, лекин акциядорлар ёки уларнинг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўрлари томонидан белгиланган муддатда ва тартибда талаб қилиб олинмаган дивидендлар жамият соф фойдаси ҳисобига олинсин.

Йиғилиш раиси

Йиғилиш котиби



З.Н. Джафарова

М.Х. Абдукаримова

Йиғилиш баёни тузилган сана 2015 йил 23 июн.